

## «Сигир» ибрати

10:26 / 27.03.2017 3184

Аллоҳ таоло китобида ўтган қавмларнинг қисматида кечган воқеаларни сизу биз ибрат олишимиз учун ўта фасоҳат билан ҳикоя қилади. Илоҳий лафз ила зикр қилинган бу ҳодиссаларни ўқир экансан, инсоннинг нақадар нодон экани, ўзига-ўзи зулмкор эканини англагандек бўласан.

Бир мисол. Қуръони каримнинг энг узун сураларидан бири «Бақара» деб номланган. «Бақара» сўзи «сигир» деган маънони англатади. Суранинг бундай номланишига мана бу воқеа сабаб бўлган: Мусо пайғамбар замонида бир киши ўлдирилади. Аммо қотилни топишолмайди. Шунда Тангри таоло пайғамбари Мусога бир сигир сўйиб, сигирнинг гўшти билан майитни урса, у ўзини ўлдирган кимсанинг кимлигини айтишини билдиради. Мусо пайғамбар эса ўз қавмига Аллоҳ бир сигир сўйишларини амр қилаётганининг хабарини берди. Шунда қавм айтдики: «Аллоҳингдан сўра-чи, сўйиладиган сигир қанақа бўлсин», — дедилар. Шунда Мусо алайҳиссалом Парвардигоридан мужда келтирдикки, сигирнинг ранги очиқ малла бўлиши керак экан. Бироқ қавм бу билан ҳам тинчимади. Улар барибир сигир қандайдир иштибоҳли бўлиб қолаётганини баҳона қилиб Мусон яна Аллоҳга дуо қилиб, сигирнинг бошқа сифатларини ҳам айтиб беришини талаб қилдилар. Бу талабдан сўнг сўйиладиган сигир шундай сигир бўлиши керак эканки, хор бўлиб ер ҳайдамаган, экин суғормаган, сув ташимаган, айбу нуқсонсиз бўлиши керак экан. Шундан кейин қавм бироз тин олгандек бўлади. Ана энди илоҳий амрни бажариш керак! Улар пайғамбари таърифлагандек сигирни топиш учун кўп машаққат чекадилар ва ниҳоят бир амаллаб бу илоҳий амрни бажариш керак» Улар пайғамбари таърифлагандек сигирни топиш учун кўп машаққат чекадилар ва ниҳоят бир амаллаб бу илоҳий амрни бажаришга муваффақ бўладилар. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, қавмга сўйиладиган сигирнинг ранги, ёши ёки бошқа сифатларини билишнинг нима кераги бор эди? Тайинки, бунга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди. Улар шунчаки нодонлигидан ўзларига кўп машаққатлар орттириб олдилар. Ваҳоланки, Мусо алайҳиссалом айтагн пайтларида дарҳол бирорта сигирни сўйганларида эди, шунча ғалва бўлмасди. Дарҳақиқат, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони каримнинг бир неча ўринларида инсоннинг шошқалоқ ва ҳаддан ошадиган нодон эканини айтади. Хусусан, тоат-ибодат қилишда масъулият ва жавобгарликни унутиб яшайди. Шариат буюрган амалларни енгил санайдиган ёки уни

бажаришда бидъат ишларни кўпайтирадиган бўлиб қолди. Бунга ҳаётимиздан мисол келтирадиган бўлсак, эри барвақт қазо қилган аёл уч ҳайз муддатига қадар идда сақлаши лозим бўлса, буни марҳумнинг ҳурмати ёки қариндош-уруғнинг қош-қовоғига қараб бир йилга етказди. Бу эса енгил амални аёллар ўзига оғир қилиб олганига бир мисол. Хотини вафот этган эркакка шариатимиз уч кундан кейин уйланишга рухсат беради. Лекин улар бунга риоя қилмасдан ўзларини-ўзлари қийнайдилар. Бундай мисоллар жуда кўп. Шунинг учун одамлар шариат буюрган амални ўз вақтида адо этсалар ўзларига ҳаётни оғирлаштириб олмасдилар. Аллоҳ таоло ҳам улардан рози бўлган бўларди.

Гулноза МҰМИНОВА